



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БУГУНГИ КУНДАГИ МАЗМУН МОХИЯТИ

Абдупаттаев
Мухаммадқодир
Убайдулло ўғли

ИИВ Академияси 309 гуруҳ курсанти

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тизимининг мазмун моҳияти ва истиқболлари, мавжуд вазият ва хусусиятлари ҳамда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими доирасидаги нормалар ва ислохотлар, Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ривожлантириш ва бошқа хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, қонунчилик, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар, ислохотлар хорижий тажриба .

Annotatsion: In this article of the research in this qualifying study is the practical analysis of the emergence and prospects of crime prevention in Uzbekistan, the current situation and features, as well as the norms of law enforcement in Uzbekistan, the development of crime prevention in Uzbekistan and other similar practices in our national legislation. problems and shortcomings are reflected.

Key words: Crime prevention, normative legal documents, reform, foreign experience.

Мустақилликнинг илк кунларидан республикамызда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида амалга оширилган ишлар ва бугунги кундаги кенг кўламли ислохотлар натижасида тизимда кенг кўламли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда, жиноят ва ҳуқуқбузарликларни камайтиришда, аҳоли ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантиришда сезиларли даражада ижобий натижаларга эришилди. Ҳозирга қадар Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорларни ижро этиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш борасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Фаолиятимизнинг биронта йўналиши қолмадики, танқидий ва асослантирилган таҳлиллар асосида қайта кўриб чиқилмаган бўлса. Ислохотлар тизимли равишда ва босқичма-босқич давом эттирилмоқда, улар ўз самарасини бермоқда дейишимизга ҳам тўла асослар бор. Жумладан, ички ишлар органларининг штат тузилмаси иш ҳажмига мослаштирилди, юқори бўғиндаги штатлар сони ихчамлаштирилиб, қуйи бўғинларга ўтказилди. Тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, биринчидан, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган асосий ва замон талаблари асосида

қўйилаётган янги вазифаларни самарали бажарилишини таъминлай оладиган, иккинчидан, халқаро ҳуқуқ номалари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мансабдор шахсларига, шунингдек миллий қонун талаблари асосида давлат хизматчиси, хусусан, ички ишлар органлари ходимларидан юксак маънавий, ахлоқий, касбий фазилатларга эга бўлган профессионал мутахассис кадрлар бўлишни талаб қилади.

Бу борада давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган 2023 йил 20 январь куни қабул қилинган “Ички ишлар органлариини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли Қарори ҳам мазкур ислохотларнинг мантиқий давомидир.

Ушбу Қарорда Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси тасдиқланган. Ҳар бир ходим мазкур кодексда белгиланган қоида ва талабларни билиши, уларга қатъий ва сўзсиз амал қилиши мажбурий этиб белгиланган. Кодекс қоида ва талабларига амал қилмаслик ёки уларни қўпол равишда бузиш ходимни ички ишлар органларидан хизматдан бўшатишгача бўлган интизомий жазо чорасини қўллаш учун асос бўлади.

Умуман олганда, айтиш мумкинки, ички ишлар органларида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал этишга қодир бўлган, инновацион ривожланишнинг умумжаҳон тенденцияларига жавоб берадиган ички ишлар соҳасидаги давлат бошқаруви тизими яратилмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари муҳим ўрин эгаллайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ички ишлар органлари қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш вазифасини амалга оширадилар. Ўз ваколатларидаги ишлар бўйича суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадилар, тинчлик ва инсоният хавфсизлигини таъминлайди. Ички ишлар органлари вазифаларини амалга оширишнинг муҳимлиги ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида янада ошади.

ФОЙДА АЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014-йил 14-май қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т. 2014.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016-йил 16-сентябр қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Т. 2016.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 10-апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат

тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг маъсулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 14-мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833 сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.–2017. 6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 26-мартдаги ПФ-6196-сонли «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.